

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МОВЛОНОВА СОҲИБА АБДИҚОДИРОВА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АЗОТЛИ ОРГАНИК
БИРИКМАЛАР МАВЗУЛАРИНИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ
АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мовлонова Соҳиба Абдикодировна

Олий таълим муассасаларида азотли органик бирикмалар мавзуларини
 дифференциал ёндашув асосида ўқитиш методикасини
 такомиллаштириш 3

Мовлонова Соҳиба Абдикодировна

Совершенствование методики преподавания тем азотсодержащих
 органических соединений в высших образовательных учреждениях на
 основе дифференцированного подхода..... 19

Movlonova Sohiba Abdikadirovna

Improvement of teaching methods of nitrogen consisting organic
 compounds in higher educational institutions on the basis of a differentiated
 approach..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
 List of published works 41

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МОВЛОНОВА СОҲИБА АБДИҚОДИРОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АЗОТЛИ ОРГАНИК
БИРИКМАЛАР МАВЗУЛАРИНИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ
АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped1810 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzicps.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Рамий оппонентлар: Булатов Саидхбор Саидкаримович
педагогика фанлари доктори, профессор

Абдушукуров Анвар Кабирович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Гулистон давлат университети

Диссертация химояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» XII соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (17 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» XII да тарқатилди.
(2021 йил 16 / XII даги 4 рақамли реестр баённомаси).




Ш.Ш. Сагдуллаев
Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д. профессор


Н.К. Хидирова
Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.н. катта илмий ходим


Б.Ж. Элмурадов
Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кимё фанини ўқитиш сифатини яхшилаш, таълим жараёнига инновацион ва ахборот технологияларини татбиқ этиш, интеграциялаш, аралаш таълим технологияси имкониятларидан фойдаланиш, талабаларнинг ақлий салоҳияти, дарсга нисбатан қизиқишини ошириш, ижодий қобилиятлари ва билиш даражасини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий методик таъминотни яратишга қаратилган самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида кимё соҳасини мутахассислари томонидан кимё фанини инновацион ва ахборот технологиялари асосида ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, назарий-методологик асосларига оид илмий ишланмаларни таълим жараёнида қўллашга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Республикамизда кимё ва биология фанлари бўйича таълим сифатини тубдан ошириш, умумтаълим мактабларида ушбу фанларни ўқитишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, таълим муассасаларини замонавий лабораториялар, дарсликлар ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, ушбу йўналишларга малакали ўқитувчи-мураббийларни жалб этиш, кадрлар тайёрлаш ва илм-фан натижаларидан фойдаланишда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ўзаро яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида бир нечта вазифалар белгиланиб, уларни амалиётга жорий этилмоқда.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар стратегияси тўғрисида” қарори², 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори³, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида” қонуни⁴, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони⁵ ҳамда педагогик фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил, 12 августдаги «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4805 сонли қарори

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4947-сонли қарори

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли қарори

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли қарори

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли фармони

демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда кимё фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича А. Мамажонов, Ҳ. Омонов, Ж. Фаёзов, М. Умаров, Т. Гулбоев, А. Азимов, О. Стешина, Ш. Бегматов, Э.Эшчанов, Ф. Алимова, Л. Зайлобов, С. Низомова, Х. Ражабов, И.Шерназаров, Ш. Шомуротова, Д. Шайзакова, Р.Ш. Бердиқулов, М.Ш.Аҳадов, Н.И. Камоловаларнинг илмий изланишлари эътиборга лойиқ.

МДҲ мамлакатларида И.М. Гапоненко, Т.В. Боровских, М.Б. Дьякова, О.С. Зайцев, С.В. Иноземцева, Н.Е. Кузнецова, Л.Г. Таскаева, Э.В. Тулакова, Б.Д. Березин, Э.Г. Злотников, В.С. Полосин, М.А. Шаталов, Л.А. Жарких, Г.М.Чернобельская, Е.К.Долгань каби олимлар томонидан дифференциал ёндашувнинг афзалликлари турли даражада ўрганилган. Таълим жараёнига дифференциал ёндашув бўйича чет эл олимларидан Е.Н. Потапкин, И.Ю. Иванова, Н.И. Кургина, Г.Ф. Суворова, И.М. Осмоловская, Х. Омарова, Е.С.Полат, Р. Абдулмановалар иш олиб боришган.

Жаҳонда дифференциал ёндашув бўйича Н.Н. Баранова, И.Ю. Иванова, Н.И. Кургина, Т.А. Мезенцева, И.М. Осмоловская, А.В. Перевозный, С.Н. Поздняк, Е.С. Полат, Е.Н. Потапкин, Т.А. Сегеда, Н.Ф. Селеткова, В.Селиверстова, Г.Ф. Суворова, Т.Ю. Чернышева, О.Б. Шелыгиналар иш олиб боришган. Улар ўз ишларида дифференциал ёндашув ва унинг моҳияти, дифференциал ёндашув асосида фанларни ўқитиш жараёни ҳақида илмий фаолият олиб борган. Кимё ўқитиш жараёнида Raymond Chang, Z.Tatli, A.Ayas, Jodi Davenport, Nataša Rizman Herga, Dejan Dinevski, Cengiz Tuysuz, K.M.Deters, R.Kozma, J.Rusell каби олимларнинг тадқиқот ишларини қайд этиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидан ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитишнинг фан асослари, ҳозирги ҳолатини таҳлилий ўрганиш асосида талабаларнинг тайёргарлик сифатига қўйиладиган билим ва малакалар даражаси ошганлигини аниқлаш;

таълим оловчиларни органик кимё фанидан ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари мазмуни ўзаро боғлиқлик даражасини белгиловчи касбий педагогик кўрсаткичларини мотивацион, ташкилий-

педагогик ва фаолиятли ёндашув билан дифференциал таҳлилларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштириш;

азотли органик бирикмалар мавзуларини шахсга йўналтирилган таълим технологияларига устуворлик бериш асосида назарий ва лаборатория машғулотларидаги билим даражасини интерфаол методлар ва дифференциал ёндашув асосида такомиллаштиришга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқув жараёнини ташкил қилишда дифференциал ёндашувга асосланган органик кимё фанини ўқитиш услубий тизимининг дидактик имкониятлари азотли органик бирикмалар мавзуларини ўқитиш методикасига оид услубий тизимни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида педагогика олий таълим муассасалари кимё ўқитиш методикаси ва кимё бакалавриат таълим йўналиши талабаларига дифференциал ёндашув асосида азотли органик бирикмалар мавзуларини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Жиззах давлат педагогика институтидан 410 та талабалар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида “Азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш”нинг мазмуни, шакллари, усуллари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов таҳлили, умумлаштириш, ижтимоий методлар (анкета, савол-жавоб, суҳбат, тест), педагогик тажриба-синов, математик статистика методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитишнинг фан асослари, ҳозирги ҳолатини таҳлилий ўрганиш асосида талабаларнинг тайёргарлик сифатига қўйиладиган билим ва малакалар даражаси ошганлиги аниқланган;

таълим олувчиларни органик кимё фанидан ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари мазмуни ўзаро боғлиқлик даражасини белгиловчи касбий педагогик кўрсаткичлари мотивацион, ташкилий-педагогик ва фаолиятли ёндашув билан дифференциал таҳлилларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

азотли органик бирикмалар мавзуларини шахсга йўналтирилган таълим технологияларига устуворлик бериш асосида назарий ва лаборатория машғулотларидаги билим даражасини интерфаол методлар ва дифференциал ёндашув асосида такомиллаштирилган;

ўқув жараёнини ташкил қилишда дифференциал ёндашувга асосланган органик кимё фанини ўқитиш услубий тизимининг дидактик имкониятлари азотли органик бирикмалар мавзусини ўқитиш методикасига оид услубий тизим такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

азотли органик бирикмалар мавзуларини ўқитиш жараёнида методик

таъминот, шунингдек, ўқув-методик ишланмалар ишлаб чиқилган;

азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитиш юзасидан услубий тайёргарликни такомиллаштириш даражалари ва сифат кўрсаткичлари такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари талабаларининг “Азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитишни такомиллаштириш” мавзуси бўйича билим самарадорлигини такомиллаштиришга қаратилган турли инновацион технологияларни жорий қилган саволлар, топшириқлар, ностандарт тестлар яратилган;

кимё фанини ўқитишда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича ўқув қўлланма ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва методикалар, фойдаланилган назарий ва амалий методлар расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистика методлар ёрдамида асосланганлиги, методика, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаларида органик кимё фанини ўқитиш жараёнида инновацион педагогик технологияларни дифференциал ёндашув асосида қўллаш асосида кимё ўқитувчисининг услубий тайёргарлигини такомиллаштиришга хизмат қиладиган билим, ахборотларни тақдим этиш воситалари, йўллари ва усулларини такомиллаштиришнинг ўқитиш сифатига оид кўрсаткичлар тизими асосида ташкил этилганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар инновацион технологияларни дифференциал ёндашув асосида қўллаш бўйича “Азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш” бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш, кимё таълими мазмуни ва сифати, «Органик кимё» фани бўйича дифференциал ёндашув асосида қўллаб, ўқитиш сифатини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаларида азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштиришга оид тадқиқот натижалари асосида:

«Органик кимё» фани бўйича дифференциал ёндашувдан самарали фойдаланиш орқали талабалар тайёргарлик сифатига қўйиладиган компетенциявий мезонларни такомиллаштиришга оид таклифлардан «Кімуо» номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6

октябрдаги 522-сон буйруғи №522-176). Натижада, мазкур компетенциялар асосида талабаларнинг ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмаларни амалда қўллаш олишини ривожлантиришга эришилган;

таълим олувчиларни органик кимё фанидан ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари мазмуни ўзаро боғлиқлик даражасини белгиловчи касбий педагогик кўрсаткичлари мотивацион, ташкилий-педагогик ва фаолиятли ёндашув билан дифференциал таҳлилларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 13 сентябрдаги 02-07-2361/04-сон далолатнома.) Натижада, Таълим олувчиларни органик кимё фанидан ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш мезонларини аниқлаш имконияти оширилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг органик кимё фанидан ўзлаштиришини баҳолаш мезонлари билан дифференциал ёндашув асосида маъруза, амалий машғулот ва лабораторияларни ташкил қилишда «Kimyo» номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус Таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи №522-176). Натижада, турли билим даражасига эга таълим ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кимё фанидан билимларининг ошишига, фанга нисбатан қизиқишининг ортишига, маълумотлар базасининг кенгайишига имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та иш, жумладан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 3 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси республика ва хорижий мамлакатларда амалга оширилган тадқиқотлар мисолида таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари белгиланган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти далиллар ёрдамида кўрсатиб берилган, муҳим натижаларнинг оммалашти-

рилганлик даражаси ёритилган.

Диссертациянинг «Олий таълим муассасаларида “Азотли органик бирикмалар” модулини ёритишда дифференциал ёндашувнинг назарий асослари» деб номланган **биринчи боб**да жараёни такомиллаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш, таълим ва фанни ўқитиш жараёни сифатига бўлган ёндашувлар, тадқиқот муаммосининг республикамизда, МДХ давлатларида ва хорижда ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар илмий-педагогик ва назарий таҳлил қилинган.

Бу янгиликларни машғулотларда қўллаш талабаларда илмий дунёқарашни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун оқсиллар, нуклеин кислоталар, полимерларни ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Шу нуктаи назардан фан янгиликларини машғулотларда қўллаш ва талабалар билан бу масалаларни назарий ва амалий таҳлил қилиш, фанни ўқитишда инновацион таълим технологиялари ва илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўллари ёритиш, фаннинг ўқув дастури мазмун-моҳиятини очиқ беришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, фанни ўқитишда қўлланадиган анимацион дастурлар ва мавзунинг электрон ўқув модули ишланмасини тайёрлаш, фанни чуқур ўзлаштириш учун бу лаборатория машғулотларидаги тажриба ишларини ўрганиш, олий таълим муассасаларида «Органик кимё» фанини ўқитишни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бунда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиб ўқитиш зарур:

кимё фанларини ўқитишда дифференциал ёндашувдан фойдаланган ҳолда ўқитиш жараёнини жадаллаштириш; таълим-тарбиявий ишларнинг самарали шакл ва усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш; кимё фанларидан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш; кимё фанларини ўзлаштириш жараёнида шу фаннинг ўзига хослиги, мазмундан келиб чиққан ҳолда талабаларда соҳага тегишли хусусий компетенцияларни шакллантириш; кимё таълими жараёнининг янги авлод ўқув-услугий ва дидактик таъминотини яратиш ва амалиётга жорий этиш;

Олий таълим муассасаларида кимё фанларини ўқитишга замонавий ёндашувлар сифатида тизимли, модулли, инновацион каби ёндашувларни келтириш мумкин.

Адабиётларда инновацион технологияларининг афзалликлари сифатида талабаларнинг қизиқишлари ортиши, кимё фанига нисбатан қарашларининг ўзгариши кўрсатилган. Бундай хулосага келишнинг асосий сабабларидан бири сифатида ўқув жараёнини масофавий олиб бориш, интернет ресурслари, адабиётлардан лаборатория ишлари учун зарурий маълумотлар олиш имконияти мавжудлигини тилга олиш мумкин.

Мазкур тадқиқот иши олий таълим муассасаларида азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш, талабаларнинг билими, фан мавзулари бўйича ўзлаштирган билимлари асосида ижодкорлигини ошириш,

қобилиятини фаоллаштиришга эътибор қаратилган (1-расм).



1-Расм. Индивидуал-дифференциал ёндашувнинг афзаллик томонлари

Расмдан кўриниб турганидек, олий таълим муассасаларида азотли органик бирикмалар мавзусини дифференциал ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш орқали талабаларнинг мазкур мавзу бўйича билимларини ошишига, фанга қизиқишига, ўз фикрини ифодалаш, баҳслашиш, хато қилишдан қўрқмаслик, ижобий мотивация, онгли муносабат каби ижобий фаолиятининг ошишига, талабаларнинг ижодкорлигини ошириш, уларнинг ўқув фанига оид ва таянч компетенцияларни эгаллашига хизмат қилади.

Диссертациянинг «Олий таълим муассасаларида “Азотли органик бирикмалар” модулини ёритишда дифференциал ёндашувда фойдаланиладиган методикаларни такомиллаштириш усуллари» деб номланган **иккинчи бобида** ўқитишда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг дидактик ва услубий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Ҳозирги кунда талабаларнинг дарсга қизиқишини ошириш, ҳар томонлама юксак кадр тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Педагогика олий ўқув юрти талабалари билимли, ҳар томонлама юксак маънавиятли инсонлар бўлишлари, ўзларида бор билимларни талабаларга етказиб беришда катта педагогик маҳоратга эга бўлмоғи лозим. Ҳозирги кунда ахборот ҳажмининг кўплиги, кенглиги ва тезда янгиланиб бораётганлиги, техник тараққиётнинг жадаллашуви, замонавий асбобларнинг тез тараққий қилаётганлиги, ўқитишнинг турли техник воситалари тараққий қилиб бораётганлиги, смартфон, ноутбук, интернет, ижтимоий сайтлар каби бир нечта сабаблар

туфайли юқори маҳорат билан дарсларни ўтказиш, уларнинг диққатини ва қизиқишларини дарсга қаратиш талаб этилмоқда.

Талабалар турли билим даражасига эга саналади. Уларни ўз билимларига қараб гуруҳлаш орқали дарс ўтиш билимли талабаларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантиришга, билим даражалари пастроқ талабаларнинг билим даражасига эга бўлиши учун замин бўла олади.

Дифференциал ёндашувда фан ўқитувчиси уч турдаги ўқув топшириқларини тузади. А-ижодий, В-изланиш, С-репродуктив. (2-расм).

Дифференциал ёндашув даражалари

А – вариантдаги ўқув топшириқлари ўртача ўзлаштириладиган таълим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, мавзуга оид таянч билимларни эгаллашга қаратилган.

В – вариантдаги ўқув топшириқларини тузишда ўқитувчи таълим олувчиларнинг ўқув ва ақлий фаолият усулларида фойдаланишини назарда тутган ҳолда, мавзу юзасидан билимларни эгаллашдан ташқари шахснинг мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида муаммоли ва мантиқий ҳарактердаги топшириқларни киритади.

С - вариантдаги ўқув топшириқлари талабаларнинг аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларини янги вазиятларда қўллаб, янги билимларни эгаллашга имкон яратади. Талабалар мазкур мавзу бўйича берилган материалларни мустақил ўзлаштирадilar, Талабаларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантиришга замин тайёрлайди.

2-Расм. Кимё таълимида дифференциал ёндашувнинг даражалари

Дифференциал ёндашув бир нечта афзалликларга эга. Ўзлаштирилиши қийин мавзуларга бу ёндашувни жорий қилиш ўқитиш самарадорлигига ижобий таъсир этади.

Дифференциал ёндашувнинг афзалликлари:


Таълим олиш суръати ва билимларни ўзлаштириш сифати ортади. Кучли билимли талабаларнинг ўзларининг қобилиятларини намоён қилиши, ўзлаштириши паст талабаларнинг билиш даражасининг ошишига олиб келади.

Талабаларнинг таҳсил олишга бўлган қизиқишини орттиради.

Талабаларнинг ҳар хил кичик гуруҳларда ишлашига имкон яратади.

Дифференциал ёндашув асосида ўқитиш жараёни талабаларнинг билим олиш имкониятларини психологик, педагогик ва методик жиҳатдан ўрганиш

натижасида амалга оширилади (3-расм).



3-Расм. Дифференциал ёндашувнинг психологик, педагогик ва методик таснифи

Бугунги кунда қўлланилаётган таълим технологиялари шахсга йўналтирилгандир. Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча восита ва имкониятларини шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиш талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим ҳисобланади.

Ўқув жараёнида талабаларга мавзуларни тушунарли, кўرғазмали тарзда етказиб бериш жуда муҳим ҳисобланади, чунки уларни интернетда, мобил телефонда ёки дискда тарқатиш мумкин. Машғулоти ташкил этишга турлича ёндашиш мумкин. Мавзуларни компакт дискларда ёки интернет орқали талабаларга етказиш мумкин. Масалан, оқсиллар ва уларнинг бирламчи, иккиламчи, учламчи, тўртламчи структураларини ҳосил бўлишини, оқсилларга хос рангли реакциялар, Ксантопротеин реакцияси, Фоли реакцияси, Нингидрин реакцияларининг боришига доир лаборатория тажрибаларининг анимациялар воситасида намоёниш этилиши таҳсил олувчиларда ахборот технологиялари орқали билим олишга бўлган мотивацияни оширади, уни ривожлантиради, талабалар томонидан кимё фанининг моҳияти ва аҳамиятини тез ва осон тушунишга, кимёвий реакцияларни хавфсиз бажаришга имкон беради.

Ўқитиш манбалари турлари бўйича оғзаки усулга мисол қилиб «Оқсиллар»ни ўрганишда мультимедиа технологиядан фойдаланиш босқичларини кўрсатиш мумкин. Бу технология мураккаб ва кўп тармоқли, муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот

берилади: аминокислоталарнинг турлари “Балиқ скелети”, “Тушунчалар таҳлили”, оксилларнинг кимёвий хоссалари ахборот коммуникация технологиялари орқали, нуклеин кислоталар “Венн диаграммаси”, нуклеин кислоталар ва полимерларнинг хоссалари “Т-чизмаси”, полимерларнинг таркиби ва хоссалари “Кластер”, “Т-чизмаси” методлари, ностандарт тестлар орқали тушунтириб берилди. Венн диаграммаси методи орқали мавзу бўйича билимларни умумлаштириш, таққослаш имконини беради. Қуйида рибонуклеин кислота (РНК) ва дезоксирибоза(ДНК)нинг бир-биридан фарқлари ва ўхшаш томонларини таққослаш имконини беради.



4-Расм. Венн диаграммаси

Мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида мустақил иш, жорий назорат топшириқлари ва мавзулар кесимида тестлар тўплами берилади. Мавзуга оид олинган билимларни “Т-чизмаси”, “Қизил-яшил технологияси”, “Тезкор савол-жавоб” бўйича ҳам текширилади. Мавзулардаги мураккаб тажрибаларни анимация усулидан фойдаланган ҳолда ҳам кўрсатиш мумкин. Бундай усулларда олиб борилган машғулотнинг афзаллик томони шундаки, талабаларнинг машғулот давомида билим олиши фаоллашади, мустақил ва эркин фикрлашга, ижодий қобилиятни ривожлантиришга ва изланишга имкон яратилади. Бундан ташқари, фикрлар орасидан кераклигини танлаб олиш, таҳлил ва синтез қилиш каби малакалар шакллантирилади, жамоанинг, суҳбатдошнинг фикрини хурмат қилиш, ундан керакли хулоса чиқаришга ўргатилади. Мавзуларни ўрганиш жараёнида ўқув-услугий, техник ва ёрдамчи воситалардан фойдаланилади, талабалар билан ҳамкорликда, катта ва кичик гуруҳларда, яқка ҳолда ишлаш амалга оширилади ва таълимий самарадорликка эришилади.

Азотли органик бирикмалар мавзулари, хусусан, оксиллар, нуклеин кислоталар, полимерлар мавзуси мураккаб мавзулар қаторига киради.

Талабалар дарсдан сўнг ҳам мустақил таълим олиши учун ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ташкил этилган машғулотлар янги билимларни ўзлаштириш, излаш, жамлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва узатиш, ўзини-ўзи баҳолаш каби ишларни амалга оширишга хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари**» деб номланган **учинчи боби**да педагогик тажриба-синов мақсади, вазифалари, унинг ташкил қилиниши ва натижалари таҳлили баён қилинган.

Педагогик тажриба-синов ишлари 2018–2021 йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти бакалавриат йўналиши талабалари билан «Органик кимё» фани мавзуларини ўқитиш мисолида олиб борилди. Талабаларнинг умумий сони 410 нафарни ташкил этди ҳамда уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари 100 баллик системада ва 5 баҳолик тизимда аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

№	Таълим муассасалари	Қатнашувчи талабалар сони	Тажриба гуруҳи талабалар сони	Назорат гуруҳи талабалар сони
1	ТДПУ	176	88	88
2	ЖДПИ	130	65	65
3	ҚДПИ	104	52	52
	Жами:	410	205	205

5110300 – Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналишининг 2 босқич талабалари учун Органик кимё фани жами 320 соат ажратилган бўлиб, 3 ва 4 семестрларда ўқитилади. Шундан Оксиллар, нуклеин кислоталар, юқори молекуляр бирикмалар мавзуларига 22 соат ажратилган. Тажриба-синов ўтказиш мақсадида олий таълим муассасалариларнинг 2 босқичидаги тажриба гуруҳи ва назорат гуруҳи танланган.

Дастлаб, талабаларнинг билим даражаси аниқланди. Бунинг учун танланган гуруҳларда «Органик кимё» фани мавзулари бўйича оғзаки сўров асосида синов, 20 та савол ва масалалардан иборат тестлар тақдим этилди ҳамда талабаларнинг билим даражаси аниқланди.

Тест асосида назорат ва тажриба гуруҳлар танлаб олинди. Бу натижалар ҳар иккала гуруҳнинг ўзаро билим даражаси яқин эканлигини кўрсатади. 1-гуруҳлари назорат гуруҳлари сифатида танланди ва уларга анъанавий усулда машғулотлар ўтилди. Тажриба гуруҳлар компьютерда тайёрланган методик ишланмалар асосида машғулотлар ўтилди. Машғулотларда инновацион технологиялар қўлланилиб, педагогик тажриба-синов ўтказилди.

Натижада, 2-босқичларнинг 2 курсларида оғзаки савол-жавоб натижалари 66%, тест натижалари 67% ўзлаштиришни кўрсатди. Тажриба гуруҳларида эса оғзаки савол-жавоб натижалари 79%, тест натижалари 82% ўзлаштиришни кўрсатди (5 ва 6-расм).



5-Расм. Оғзаки сўров натижалари



6-Расм. Тест натижалари таҳлили

Тажриба ўтказилгандан кейин гуруҳларнинг натижалари ўзаро таққосланди. Ушбу статистик гипотезани текшириш учун χ^2 (Пирсон)

формуласидан фойдаланилди.

$$\chi^2_{кузатув} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^c \frac{(n_1 y_{2i} - n_2 x_{1i})^2}{x_{1i} + y_{2i}}$$

Самарадорлик кўрсатгичини $\eta = \frac{\bar{X}}{\bar{Y}}$ формула ёрдамида аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Гуруҳлар	5	4	3	2	
1-танланма (тажриба гуруҳи)	$x_{11}=32$	$x_{12}=24$	$x_{13}=32$	$x_{14}=0$	$n_1=88$
2-танланма (синов гуруҳи)	$y_{21}=13$	$y_{22}=21$	$y_{23}=52$	$y_{24}=2$	$n_2=88$
Σ	$x_{11}+y_{21}=45$	$x_{12}+y_{22}=45$	$x_{13}+y_{23}=87$	$x_{14}+y_{24}=2$	$n_1+n_2=176$

$$\chi^2_{кузатув} = \frac{1}{88 * 88} \left(\frac{(88 \cdot 32 - 88 \cdot 13)^2}{45} + \frac{(88 \cdot 24 - 88 \cdot 21)^2}{45} + \frac{(88 \cdot 32 - 88 \cdot 52)^2}{84} + \frac{(88 \cdot 0 - 88 \cdot 2)^2}{2} \right) = 16,8$$


Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача қиймат:

$$\bar{X} = \frac{1}{88} [32 \cdot 5 + 24 \cdot 4 + 32 \cdot 3 + 0 \cdot 2] = 4$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{88} [13 \cdot 5 + 21 \cdot 4 + 52 \cdot 3 + 2 \cdot 2] = 3,5$$

Самарадорлик коэффициенти: $\eta = \frac{4}{3,5} = 1,14$

Тажриба-синов ишлари учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти талабалари жалб этилган. Ҳар бир олий таълим муассасаларида назорат ва тажриба гуруҳларидаги баҳолар сони таққосланди (7-расм).



7-Расм. Тажриба-синовдан кейин назорат ва тажриба гуруҳларида ўзлаштириш кўрсаткичлари

Диаграммадан кўринадикки, тажриба-синов гуруҳларидаги талабаларнинг ўртача ўзлаштириши назорат гуруҳларидагига қараганда ўсиш кўрсаткичи 14%ни ташкил этди. Бу амалга оширилган тажриба-синов ишининг самарали эканлигидан далолат беради.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Олий таълим муассасаларида Азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитишни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитишни такомиллаштириш бўйича талабаларнинг фанга бўлган қизиқиши, ижодий фикрлаши, педагогик усулларни қўллаш орқали ўқитиш самарадорлигига эришиш асослаб берилган.

2. «Азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитишни такомиллаштириш» мавзусини ўқитишнинг мазмуни, усуллари, воситалари, шакллари ва педагогик шарт-шароитлари, тамойиллари ўрганилган. Олиб борилган тадқиқот айнан шу муаммонинг ечимига қаратилиб, «Азотли органик бирикмалар» мавзусини ўқитишда дифференциал ёндашувни қўллашнинг услубий таъминот комплекси яратилган.

3. Педагогика олий таълим муассасаларида «Азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитишни такомиллаштириш» мавзусини ўқитишда танқидий ҳамда ижодий тафаккурни рағбатлантириш, услубий тайёргарликни ошириш, илғор педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда ўқитишнинг интерфаол усулларига оид назарий ва амалий билимлардан фойдаланиш, кўникма ва малакаларни мунтазам такомиллаштириб бориш ва уларни амалиётда қўллаш орқали талабаларнинг келгусидаги касбий компетентлиги шакллантирилган.

4. Педагогика олий таълим муассасаларида «Азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитишни такомиллаштириш»да бўлим мавзулари дифференциал ёндашув муҳити асосида ностандарт тестлар, ижодий ва илмий тафаккурни оширишга қаратилган назорат саволлари талабаларнинг мазкур ўқув фани мавзуларини ўқитиш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиши аниқланган.

5. Педагогика олий таълим муассасаларида «Азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитишни такомиллаштириш» мавзуси юзасидан лаборатория ишлари, намоёйишли тажрибалар, мустақил таълимни табиий ва виртуал шаклларда аудитория шароитида ташкил этиш ва ўтказиш, фанни ўқитишда инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини интеграциялаш асосида талабаларнинг мотивацион, креатив, мустақил фикрлаш кўникмаларини такомиллаштиришга эришиш ва вақт сарфини тежаш орқали асослаб берилган.

6. Ўтказилган педагогик тажриба-синов натижасига кўра инновацион технология муҳитида «Азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитишни такомиллаштириш» мавзусини ўқитишда эришилган самарадорлик математик статистик усуллар ёрдамида исботланган. Педагогика олий таълим муассасаларида самарадорлиги тасдиқланган.

Педагогика олий таълим муассасаларида «Азотли органик бирикмалар мавзуларини дифференциал ёндашув асосида ўқитишни такомиллаштириш» мавзусини ўқитиш методикаси ҳамда талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйилган талабларни такомиллаштиришга оид қуйидаги таклиф ва тавсиялар тақдим этилди:

1) «Органик кимё» фанидан услубий таъминотни такомиллаштириш мақсадида унинг мазмунига ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини кенг жорий этиш ва улардан машғулотларда унумли фойдаланиш тавсия этилади;

2) педагогика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчи ва талабаларининг «Органик кимё» фани бўйича услубий тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган дарс ишланмалар, илмий-услубий қўлланмалар (ҳам ўқитувчи, ҳам таҳсил олувчи учун) яратиш кўламини кенгайтириш ва улардан «Органик кимё» фани машғулотларида самарали фойдаланиш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.02 / 30.01.2020.К / Т.104.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ
ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МОВЛОНОВА СОХИБА АБДИКОДИРОВА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ТЕМ
АЗОТСОДЕРЖАЩИХ ОРГАНИЧЕСКИХ СОЕДИНЕНИЙ В ВЫСШИХ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ НА ОСНОВЕ
ДИФФЕРЕНЦИРОВАННОГО ПОДХОДА**

13.00.02 – Теория и методика обучения воспитания (химия)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы. В мире проводятся эффективные исследования, направленные на повышение качества преподавания химии, внедрение инновационных и информационных технологий в учебный процесс, интеграцию, использование смешанных технологий обучения, создание современного методического обеспечения по повышению интереса к предмету, развитию интеллектуального потенциала и уровня знаний, творческих способностей студентов.

В ведущих мировых исследовательских центрах и высших учебных заведениях специалистами в данной области химии разработаны рекомендации по совершенствованию преподавания химии на основе инновационных и информационных технологий, применению научных разработок в учебном процессе.

В нашей Республике в целях кардинального повышения качества образования по предметам «химия» и «биология», внедрена совершенно новая система обучения по данным предметам в общеобразовательных школах. Определены и реализуется ряд задач по обеспечению образовательных учреждений современными лабораториями, учебниками и иным учебным инвентарем, привлечения квалифицированных учителей и наставников в данные направления, налаживания тесного взаимодействия и сотрудничества между сферами образования, науки и производства в подготовке кадров и использовании научных результатов¹.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»², Постановлении № ПП-4623 от 27 февраля 2020 года «О мерах по дальнейшему развитию сферы педагогического образования»³, ЗРУ-637 от 23 сентября 2020 года Республики Узбекистан «Об образовании»⁴, УП-6097 «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года»⁵ и в других нормативно-правовых актах, связанных с педагогической деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и

¹ №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология» от 12 августа 2020 года.

² № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

³ Постановление Президента Республики Узбекистан от 27 февраля 2020 года № ПП-4623 «О мерах по дальнейшему развитию сферы педагогического образования».

⁴ Постановление Республики Узбекистан от 23 сентября 2020 г. № ЗРУ-637 «Об образовании».

⁵ Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года».

образовательном развитии информационного общества, демократического государства».

Степень изученности проблемы. По совершенствованию методики преподавания химии в нашей стране заслуживают внимания научные исследования А. Мамажонова, Х. Омонова, Ж. Фаёзова, М. Умарова, Т.Гулбоева, А. Азимова, О. Стешиной, Ш. Бегматова, Э.Эшчанова, Ф.Алимовой, Л. Зайлобова, М. Аджиевой, С.Низомовой, Х. Раджабова, И.Шерназарова, Ш.Х. Шомуротовой, Д. Шайзаковой, М.Ш. Ахадова, Р.Ш.Бердикулова, Н.И. Камоловой.

В странах СНГ преимущества дифференциального подхода на разных уровнях изучались такими учеными, как И.М. Гапоненко, Т.В. Боровских, М.Б. Дьякова, О.С. Зайцев, С.В. Иноземцева, Н.Е. Кузнецова, Л.Г. Таскаева, Э.В.Тулакова, Б.Д. Березова, Э.Г.Злотников, В.С.Полосин., М.АШаталов, Л.А.Жарких, Г.М. Чернобельская, Э.К.Долган. Из зарубежных ученых о дифференцированном подходе к образовательному процессу провели исследования Е.Н.Потапкин, И.Ю.Иванова, Н.И.Кургина, Г.Ф.Суворова, И.М.Осмоловская, Х.Омарова, Е.С.Полат, Р.Абдулманова.

В мире над дифференциальным подходом работали Н.Н.Баранова, И.Ю. Иванова, Н.И.Кургина, Т.А.Мезенцева, И.М.Осмоловская, А.В. Перевозный, С.Поздняк, Е.С. Полат, Е.Н. Потапкин, Н.Ф. Селеткова, В. Селиверстова, Т.А. Сегеда, Г.Ф. Суворова, Т.Ю. Чернышева, О.Б.Шельгина. В своих работах они провели научную деятельность по дифференциальному подходу и его сущности, процессу обучения наукам на основе дифференциального подхода. В процессе преподавания химии можно отметить исследовательскую работу таких ученых, как. Raymond Chang, Z.Tatli, A.Ayas, Jodi Davenport, Nataša Rizman Herga, Dejan Dinevski, Cengiz Tuysuz, K.M.Deters, R.Kozma, J.Ruzell

Связь темы диссертации с научно-исследовательской работой высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами в рамках практического проекта № ПЗ-2017927124 «Развитие педагогической деятельности на основе совместной педагогики в образовательных учреждениях».

Цель исследования: Разработка рекомендации по совершенствованию методики преподавания темы азотистых органических соединений в высших учебных заведениях на основе дифференцированного подхода.

Задачи исследования:

определить повышение уровня знаний и умений студентов по качеству обучения на основе аналитического изучения современного состояния научных основ преподавания тематики азотистых органических соединений в высших учебных заведениях на основе дифференциального подхода;

совершенствование профессионально-педагогических показателей, определяющих уровень взаимозависимости содержания критериев оценки успеваемости студентов по органической химии, на основе взаимного

согласования дифференциального анализа с мотивационным, организационно-педагогическим и практическим подходом;

разработка методических рекомендаций по повышению уровня знаний на теоретических и лабораторных занятиях на основе интерактивных методов и дифференцированного подхода, исходя из приоритета личностно-ориентированных образовательных технологий по темам азотистых органических соединений;

совершенствование методической системы преподавания тематики азотистых органических соединений, дидактические возможности методической системы преподавания органической химии на основе дифференцированного подхода в организации учебного процесса.

В качестве **объекта исследования** определен процесс обучения химии студентов высших учебных заведений на основе дифференцированных подходов к методике преподавания химии и степени бакалавра химии. В экспериментальных работах были задействованы 410 студентов Ташкентского государственного педагогического университета, Кокандского государственного педагогического института и Джизакского государственного педагогического института.

Предметом исследований являются содержание, формы, методы и средства обучения «Совершенствования методики преподавания предмета азотистых органических соединений на основе дифференцированного подхода» в высших учебных заведениях.

Методы исследования. В процессе исследования использовались педагогическое наблюдение, сравнительный анализ, экспериментальный анализ, обобщение, социальные методы (анкетирование, вопрос-ответ, беседа, тест), педагогические экспериментально-испытательные, математико-статистические методы.

Научная новизна исследования состоит из следующих:

установлено, что возросло уровень знаний и умений студентов по качеству обучения на основе аналитического изучения научных основ текущей ситуации, научных основ преподавания тематики азотистых органических соединений в высших учебных заведениях на основе дифференциального подхода повышен;

усовершенствовано содержание критериев оценки успеваемости студентов по органической химии на основе взаимного согласования дифференциального анализа с мотивационным, организационно-педагогическим и практическим подходом к профессионально-педагогическим показателям, определяющим уровень взаимозависимости;

усовершенствован уровень знаний на теоретических и лабораторных занятиях на основе приоритета личностных образовательных технологий по тематике азотистых органических соединений на основе интерактивных методов и дифференцированного подхода;

усовершенствована методическая система преподавания предмета азотистых органических соединений, дидактические возможности

методической системы преподавания органической химии на основе дифференцированного подхода в организации учебного процесса.

Практические результаты исследования состоят из следующих:

разработано методическое обеспечение, а также учебно-методические разработки, в процессе преподавания тем азотистых органических соединений;

на основе дифференцированного подхода усовершенствованы уровень и качество методической подготовки преподавания азотистых органических соединений;

созданы вопросы, задания, нестандартные тесты, в которых внедрены различные инновационные технологии, направленные на повышение эффективности знаний студентов высших учебных заведений по теме «Совершенствование преподавания азотистых органических соединений на основе дифференцированного подхода»;

Разработано учебное пособие по внедрению передовых педагогических и информационно-коммуникационных технологий в преподавании химии.

Достоверность результатов исследования определяется тем, что достоверность результатов исследования зависит от подхода и методологии, использованных в работе, теоретических и практических методов, используемых из официальных источников, анализа и анализа экспериментальной работы с использованием математических и статистических методов, реализации методов, выводов и рекомендаций, полученных результате утверждением компетентными структурами.

